O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2008 йил 28 июнь ШАНБА
№ 50 (12.061)

1928 йил 11 декабрда асос солинган • Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси • Эркин нархда сотилади

www.th.uz

## МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Аввалaмбор, сиз, азизларни – матбуот, оммавий ахборот воситалари, нашриёт ва матбаа ходимларини бугунги байрамингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Қадрли дўстлар!

Мана, ўн беш йилдирки, мамлакатимизда 27 июнь санасини миллий оммавий ахборот воситалари куни сифатида кенг байрам қилиш яхши бир анъанага айланиб қолди.

Ўтган асрнинг бошларида маърифатпарвар боболаримиз миллатни уйғотиш, унинг дардларига дармон бўлиш ғояси билан майдонга чиқиб, илк миллий нашрларга асос солган эдилар. Матбуотимизнинг тамал тошини қўйган ана шундай улуғ инсонларнинг эзгу орзу-умидларини рўёбга чиқариш учун ўтган давр мобайнида ўзбек журналистикаси катта тараққиёт йўлини босиб ўтди.

Бугун биз ана шу машаққатли йўлда қанча-қанча синов ва қийинчиликларни бошидан кечирган, ўзининг истеъдоди ва самарали меҳнати, ўз касбига меҳри ва садоқати билан эл-юрт ўртасида обрў-эътибор қозонган фидойи зотларнинг номларини ҳурмат ва эҳтиром билан тилга оламиз.

Оммавий ахборот воситаларимиз улар бошлаб берган ижодий анъаналарни муносиб давом эттириб, давр талабларига тобора монанд бўлиб бораётганини мамнуният билан қайд этамиз.

Ҳаммамизга аёнки, бугун биз яшаётган шиддатли XXI асрда замоннинг ўзи, ҳаётимизга кескин суръатлар билан кириб келаётган глобаллашув жараёнлари Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари ва журналистлар аҳли олдига бизнинг эзгу мақсадимиз бўлган демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида ғоят муҳим, долзарб вазифа ва талабларни қўймоқда.

Бу ўринда гап аввало матбуотимизнинг эркинлигини таъминлаш, унинг янгиланиш ва ислоҳотлар жараёнларидаги аҳамияти, моҳияти ва таъсирини янада кучайтириш, дунёда ва мамлакатимизда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга ўзининг ҳаққоний ва холисона муносабатини, эътироф ва эътирозларини билдиришга қодир бўлиши, доимо изланиб, янгиликка интилиб яшаши ҳақида бормоқда.

Журналист деган оғир, шу билан бирга, шарафли касбга ўз ҳаётини бағишлаган инсонлар учун юксак профессионал маҳорат, фаол ҳаётий позицияни эгаллаш, халқимизнинг қувонч ва ташвишлари билан яшаш, бугун дунё миқёсида тез ўзгариб бораётган ўта мураккаб замонда одамларимизга, эл-юртимизга муносиб маслакдош ва суҳбатдош бўлиш, уларни янги марра ва уфқларга чорлаш – албатта осон иш эмас. Буни барчамиз яхши тушунамиз ва англаймиз.

Бу ҳақда гапирар эканмиз, оммавий ахборот воситалари, нашриёт ва матбаа соҳаси заҳматкашлари, барча ижодий ва техник ходимларнинг меҳнатини қадрлаш ва рағбатлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бугунги кунда давлатимиз, жамиятимизнинг доимий эътиборида туришини унутмаслигимиз даркор.

Оммавий ахборот воситаларини халқаро андозалар даражасига кўтариш, уларнинг эркин ва мустақил фаолиятини таъминлашда муассис ва таҳририятларга фақат расмий ҳужжатларда эмас, балки амалда эркинлик, жумладан, молиявий мустақиллик бериш, айниқса, нодавлат газета ва журналлар, радио ва телеканалларнинг ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олиши учун ҳам моддий, ҳам маънавий шароит яратиш ҳозирги пайтда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Барчамизга аён бўлиши зарурки, бу вазифаларни амалга оширишда биз учун қандайдир майда ёки иккинчи даражали ишнинг ўзи бўлмаслиги керак.

Шу борада халқимиз, жамоатчилигимиз матбуот ходимларидан якка мафкура ҳукмрон бўлган мустабид тузумдан қолиб келаётган айрим эскича ёндашув ва қарашлардан, журъатсизлик ва ўткир муаммолардан ўзини четда тутиш каби ҳолатлардан бутунлай халос бўлишни, уларнинг янада шижоат ва қатъият билан фаолият кўрсатишини кутаётганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Бугунги кунда медиа тармоқлари, матбаа корхоналарини замонавий ахборот-коммуникация соҳасидаги энг сўнгги ютуқларга асосланган техника ва технологиялар билан таъминлаш, айниқса, Интернет тизимидан кенг ва оқилона фойдаланиш учун имконият яратиш, моддий ва молиявий кўмак бериш масалаларини ечиш, шу асосда ушбу соҳанинг тараққиётини янги босқичга кўтариш, бошлаган ҳаракатларимизни изчил давом эттириш эътибор марказимизда бўлиши шарт.

Шу билан бирга, оммавий ахборот воситалари ходимларининг касб малакаси, ижодий маҳоратини ошириш, уларнинг жаҳон журналистикасининг илғор тажрибаларини пухта ўзлаштириши учун тараққий топган мамлакатлардаги ҳамкасблари билан алоқаларини кучайтириш, содда қилиб айтганда, ўзаро борди-келдиларни кўпайтириш бўйича тегишли шароит туғдириб бериш ҳам ана шундай муҳим вазифалар қаторига киради.

Ишонаманки, бугунги байрам муносабати билан марказда ва жойларда бўлиб ўтадиган учрашув ва мулоқотларда журналистларимиз уларнинг меҳнати натижаларидан баҳраманд бўладиган муштарийлар, кенг жамоатчилик вакиллари билан бирга матбуотимиз олдида турган мана шундай долзарб вазифалар ҳақида атрофлича фикр алмашиб олиш имконига эга бўладилар.

Азиз дўстлар!

Сизларни бугунги байрамингиз билан яна бир бор қутлар эканман, фурсатдан фойдаланиб, матбуот соҳасига кўп хизматлари синган муҳтарам фахрийларимизга, яна узоқ йиллар орамизда юринг, соғ-омон бўлинг, деб ўз ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этаман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, янги ижодий ютуқлар тилайман.

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти.**



## ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ БАЙРАМИ

**МАМЛАКАТИМИЗДА демократик тамойиллар ва миллий қадриятлар мустаҳкам қарор топиши, жамоатчилик фикрининг шаклланиши изчиллик билан амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти билан халқимизни кенг таништиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Шу боис Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий матбуотимизни ривожлантириш, унинг эркин, мустақил ва холис фаолият кўрсатиши учун барча шароит ва имкониятлар яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Ўн беш йилдирки, давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон Республикаси матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини белгилаш тўғрисида"ги фармонига биноан мамлакатимиз матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари 27 июнни ўзларининг касб байрами сифатида кенг нишонлаб келмоқдалар. Зеро, 1906 йил 27 июнь ўзбек тилидаги илк газета – "Тараққий"нинг биринчи сони чоп этилган. Юртимизда чинакам миллий матбуотнинг юзага келиши айнан шу сана ва газета билан боғлиқ.

Ўзбек миллий академик драма театрида 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов ўқиб эшиттирди.

Миллий матбуотимиз равнақи йўлида узоқ йиллар самарали фаолият кўрсатган ёши улуғ журналистларни эъзозлаш, уларга алоҳида ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш, меҳнатини қадрлаш давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида. Президентимизнинг 2008 йил 26 июнда қабул қилинган "Оммавий ахборот воситалари фахрийларини моддий рағбатлантириш тўғрисида"ги фармойиши бунинг яна бир ёрқин далилидир. Ана шу фармойишга мувофиқ мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, ёш журналист кадрларни тайёрлаш ишига катта ҳисса қўшган, ўзининг истеъдоди ва самарали меҳнати, касбига фидойилиги билан эл-юрт ўртасида обрў-эътибор қозонган бир гуруҳ матбуот фахрийларига мукофотлар топширилди.

– Давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиб келинаётганидан жуда миннатдормиз, – дейди фахрий журналист, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Мақсуд Қориев. – Бу матбуотдек машаққатли ва масъулиятли соҳага кўп йиллар давомида меҳнати синган инсонларни қадрлаш, уларга эҳтиром кўрсатишдек эзгу ишларда ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда. Биз, фахрийларга кўрсатилаётган доимий ҳурмат ва эътибор учун Президентимиз Ислом Каримовдан ғоят миннатдормиз.

Тадбирда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш. Ғуломов мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида оммавий ахборот воситалари ўрни ва аҳамиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Президентимиз томонидан Ёшлар йили деб эълон қилинган жорий йилда барча жабҳаларда бўлгани каби миллий матбуотимизда ҳам юртимизнинг таянчи ва суянчи бўлган навқирон авлоднинг орзу-интилишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, истеъдодли ёшларни кашф этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Журналистика соҳасида изланаётган, ўз сўзи, ўз овозига эга бўлиб бораётган иқтидорли қаламкашларни рағбатлантириш, янгидан-янги ижодий парвозлар сари даъват этиш, касб малакаси ва маҳоратини юксалтириш, замон талабига уйғун мутахассис кадрлар тайёрлаш борасидаги ишлар кўлами тобора кенгаймоқда.

Бу жиҳатлар миллий журналистика ривожига йўналтирилган турли кўрик-танловлар, ижодий беллашувлар, грант-лойиҳаларда, ижтимоий дастурларда ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Йиғилишда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Йилнинг энг фаол журналисти" кўрик-танлови ғолибларига совринлар топширилди. Айни пайтда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Миллий телерадиокомпания, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ҳамкорлигида спорт соҳасини ёритувчи журналистлар ўртасида ўтказилган танлов ғолибларига ҳам совринлар топширилди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар миллий матбуотимизни янада ривожлантириш, мазкур соҳа вакилларини ҳар томонлама рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш борасида кўрсатаётган ғамхўрлиги ва эътибори учун давлатимиз раҳбарига миннатдорчилик билдирдилар.

Тадбир иштирокчилари учун санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг концерт дастури намойиш этилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

**СУРАТДА:** танлов ғолиблари.

**Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган сурат.**

## ИЖОДИЙ ЮТУҚЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

**"ЭКОСАН" халқаро ташкилоти ўз фаолиятида журналистлар билан ҳамкорлик қилишга алоҳида эътибор қаратади. Ҳар йили Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан ташкилот фаолиятини мунтазам ёритиб келаётган таҳририят ва журналистларни эсдалик совғалари билан тақдирлайди.**

Ушбу анъанага амал қилган "Экосан" халқаро ташкилоти Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси ҳамкорлигида "Атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда оммавий ахборот воситаларининг роли" мавзусида учрашув ўтказди.

Учрашувда экологик муаммоларни оммавий ахборот воситалари орқали ёритишнинг аҳамияти, экологик барқарорликни таъминлаш, аҳолининг бу борадаги билим ва маданиятини юксалтириш, кенг жамоатчиликни атроф-муҳит муҳофазасига жалб этишда журналистларнинг роли, экологик журналистиканинг алоҳида жиҳатлари ва муаммолари борасида фикр алмашилди.

Тадбирда "Матбуот, радио ва телевидениеда ҳамда электрон ОАВ саҳифаларида "Экология ва саломатлик кунлари" тадбирлари ҳамда "Экосан" ташкилотининг Ёшлар йилига бағишланган мақсадли дастури ва лойиҳалари ёритилган энг яхши журналистик иши республика кўрик-танловининг якунлари эълон қилинди. "Экология ва саломатлик кунлари"ни фаол ёритаётганлиги учун "Тошкент ҳақиқати" ва "Ташкентская правда" газеталари таҳририяти ҳам муносиб тақдирланди. Шунингдек, "Тошкент ҳақиқати" газетаси мухбири Хуршида Назаровага атроф-муҳит, инсон саломатлиги ва барқарор ривожланиш мавзуларидаги туркум мақолалари учун "Экосан" ташкилотининг махсус эсдалик совғаси топширилди.

Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн етти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорига асосан ташкил қилинаётган Республика экофестиваллар марафонини ўтказиш ва уни ОАВда ёритиш масаласи ҳам тадбир якунида муҳокама қилинди.

**Ўз мухбиримиз.**

## ЭЪТИБОР ВА ЭЪТИРОФ

**МУСТАҚИЛ Ўзбекистонимиз истиқлоли балоғат ёшига қадам қўяётган қутлуғ кунларда ўзларининг касб байрамларини нишонлаётган журналистлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳақида айтилажак дил изҳорлари, эзгу тилак-истаклар бисёр.**

Жамият тараққиёти, Ватан равнақига муносиб ҳисса қўшиб келаётган оммавий ахборот воситалари ходимларига кўрсатилаётган эътибор ва ишонч мустақиллик йилларида ўзгача мазмун-моҳият касб этди. Айниқса, сўнгги йилларда халқнинг миллий ўзлиги, орзу-умид ва интилишларини рўй-рост, очиқ-ойдин айта оладиган, салоҳиятли, ҳозиржавоб журналистлар сафи кенгайиб бормоқда.

Вилоятимизда матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларининг касб байрамига бағишланган тадбир Қибрай туманидаги Дўрмон боғида бўлиб ўтди.

– Мустақил Ўзбекистонимизда, – деди вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Зиёвуддин Ниёзов, – ўзининг серқирра ижоди, долзарб мавзудаги чиқишлари билан жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган салоҳиятли матбуот ходимлари қаторида вилоятимиз журналистлари ҳам борлигини фахр билан айтмоқчиман. Вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ҳаётини ёритиб боришда жонбозлик кўрсатаётган сиз азизларнинг заҳматли меҳнатларингиз таҳсинга лойиқ. Ҳар бир шаҳар, туман газеталари саҳифаларида бериб борилаётган ёшлар ҳаёти, ёш оилалар, оналик ва болалик, ҳуқуқ ва бурч каби долзарб мавзулардаги мақолалар шубҳасиз ўзининг амалий самарасини бермоқда.



Ҳақиқатан ҳам, "Яхши сўз – жон озиғи". Тадбирда сўзга чиққан меҳмонлар, хусусан, Ўзбекистон Халқ шоири Маҳмуд Тоирнинг заҳматли касб эгаларини шарафлаб айтган дил сўзлари, ўқиган шеърлари қатнашчиларнинг руҳини кўтарди. Шунингдек, оммавий ахборот воситалари таҳририятлари ва фаол журналистларга аталган вилоят ҳокимлигининг фахрий ёрлиқлари ва қимматбаҳо совғалари серқирра ижодкорлар учун улкан маънавий рағбат бўлди. Тадбирда иштирок этган вилоятимиз истеъдодли ёш санъаткорларининг чиқишлари кечага алоҳида файз бағишлади.



**Сайёра ЭШМАТОВА.**

**СУРАТЛАРДА:** байрам шодиёналари.

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

## Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан ўтказилган "ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ – 2007" танлови ғолиблари

| | | |
|---|---|---|
| **Раҳима РАҲМАТОВА** | Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг "Ёшлар" телерадиоканали масъул муҳаррири | Ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси мавзусидаги туркум радиоэшиттиришлари учун |
| **Саид РАҲМОНОВ** | "Халқ сўзи" газетаси бўлими мудири | Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни ёритишга ва ёш авлодни миллий истиқлол ғоялари руҳида тарбиялашга бағишланган мақолалари учун |
| **Шукирбай СИПАТДИНОВ** | "Қаракалпакстан жаслары" газетаси мухбири (Қорақалпоғистон Республикаси) | Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, ёшлар ҳаёти, халқ саломатлиги, тадбиркорлик, масалаларини ёритган мақолалари учун |
| **Ғайрат ШЕРАЛИЕВ** | "Тошкент ҳақиқати" газетаси бўлими мудири | Ёшларга бағишланган туркум мақолалари учун |
| **Ольга ЩЕТИННИКОВА** | "Голос Узбекистана" газетаси мухбири | "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши кенг ёритилган мақолалари учун |
| **Иномали ЯВМИТОВ** | Ўзбекистон Электрон ОАВ Миллий ассоциацияси ахборот маркази "Ҳудуд" ахборот таҳлилий дастури муҳаррири | Ижтимоий мавзудаги кўрсатувлари учун |

**Танловнинг рағбатлантирувчи мукофотига сазовор бўлганлар:**

| | |
|---|---|
| **Сайёра АБДУЛЛАЕВА** | Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг "Тошкент" телерадиоканали катта муҳаррири |
| **Карахан ЖЎРАЕВ** | "Нурлы жол" газетасининг жамоатчи мухбири |
| **Фаррух ЖАББОРОВ** | "Ҳуррият" газетаси бўлими мудири |
| **Навбаҳор МАМАЖОНОВА** | "Ўзбекистон" телерадиоканали "Ахборот" информацион кўрсатувлар бош муҳарририяти шарҳловчиси |
| **Ҳикоят МАҲМУДОВА** | Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйининг етакчи муҳаррири |
| **Рахшона ТОШПЎЛАТОВА** | "Туркистон-пресс" нодавлат ахборот агентлиги шарҳловчиси |
| **Муҳсин ЮСУПОВ** | "Мулоқот" нодавлат телеканали (Фарғона вилояти) муҳаррири |
| **Мавлуда ҚОСИМОВА** | "Маҳалла" газетасининг масъул котиби |
| **Янгибой ҚЎЧҚОРОВ** | "XXI аср" газетасининг ўз мухбири |
| **Норбўта ҒОЗИЕВ** | Қашқадарё вилояти "Адолат кучи" газетаси муҳаррири |

